(тахминан 1830-1862)
(1858-1862)

Минг сулоласидан бўлган Кўкон хони. Худоёрхоннинг акаси. 1858-йилги тахт учун курашда Худоёрхон кўшинини Сомончи кишлогИ якинида енгиб Кўконни эгаллаган ва ўзини хон деб эълон килган. 1860-йил Маллахон кўшин тўплаб Пишпак (хозирги Бишкек)ка, у ердан эса Чу дарёси бўйига келган. Бикат мавзеида тўплар билан куролланган 2 минг кишилик рус кўшини билан бўлган жангда Маллахон кўшини голиб чиккан. Лекин 1860-йил Г.А. Колпаковский отряди томонидан Узуногоч мавзеида тор-мор келтирилган. 1860-1861-йиллари Туркистонни химоя килиш учун Каноатшохни жўнатган, бирок бу кўшин Туркистон шахрини, Жулек, Янгикўргон атрофидаги дашт ахолисини талаб оркага кайтган. Маллахон калъаларни кайтариб олиш учун бир неча бор харакат килган, лекин бу зоя кетган. Бу эса унга карши норозиликни юзага келтирган. Шунингдек, огир солик ва мажбуриятлар, мухолифатга карши жазо чоралари унга карши фитна уюштирилишига олиб келган. Маллахон 1862-йил март ойида ўлдирилиб, ўрнига 17 ёшли Шох Мурод хон деб эълон килинади. Маллахон аклли давлат арбоб, мохир саркарда бўлган.
Унинг даврида кипчоклар мавкеи тикланган, харбий интизом мустахкамланган. Коратегин вилояти Кўконга тобе эттирилган. Хитой ва Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга харакат килинган. Халк фаровонлигини ошириш, янги ерлар ўзлаштириш, ирригатсия иншоотларини куриш йўлида бир канча ишлар амалга оширилган. Хусусан, узунлиги 20 км дан ортик Маллахон ариги курилган. ХИХ асрнингт 20-йилларида Мухаммад Алихон томонидан жорий килинган хар бир харбий юриш олдидан олинадиган улов пули ва тилла пули каби соликлар бекор килинган, 1861-йилда Хазрати Сохиб мадрасаси курилган. Фаргона водийсидаги бир неча кишлок Маллахон номи билан аталади.